

“БИР УМРГА ЎЛМАЙМАН...”

(*Усмон Носир шеърлари рецепцияси*)

Абдулазиз Қосимов

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
German Sparkassenstiftung for International Cooperation (Германия), Давлат
идоралари билан муносабатлар бўйича эксперт
E-Mail: abdulaziz.qosimov@sparkassenstiftung.de

Аннотация: Жаҳон адабиётшунослигига шеъриятни таҳлил қилишнинг бир қатор усуслари, ёндашувлари мавжуд. Шоирнинг фикрини тушуниш учун ижодкорнинг ҳаёт йўлини, яшаган даврини, муҳитини билиш талаб этилади. Ўқувчи ва ижодкор муносабати ҳозирги кунда илмий изланишларнинг объекти сифатида ўрганилмоқда. Хос ўқувчининг фикри билан яширин (имплицит) ўқувчи фикри ўртасидаги фарқ ёки ўхшашликлар ижодкорнинг қабул қилиниш даражасини белгилаб беради.

Калит сўзлар: рецепция, ёзувчи-китобхон муносабати, рецептив эстетика, херменевтика, имплицит ўқувчи

"I WILL NEVER DIE..."

(*Reception of Usman Nasir's poems*)

Abdulaziz Qosimov

Doctor of Philosophy in Philology (PhD),
German Sparkassenstiftung for International Cooperation (Germany), expert on
relations with government agencies
E-Mail: abdulaziz.qosimov@sparkassenstiftung.de

Abstract: There are a number of methods and approaches to the analysis of poetry in world literary studies. In order to understand the poet's thoughts, it is necessary to know the artist's life path, the period in which he lived, and his environment. The relationship between the reader and the creator is currently being studied as an object of scientific research. Differences or similarities between the specific reader's opinion and the hidden (implicit) reader's opinion determine the level of acceptance of the creator.

Keywords: reception, writer-reader relationship, receptive aesthetics, hermeneutics, implicit reader

Жаҳон адабиётшунослигига херменевтика, рецептив эстетика каби илмий йўналишлар бир томондан асарнинг мазмун-моҳиятини, интерпретациясини очиб беришга ёрдам берса, бошқа тарафдан эса асар муаллифининг имкониятларини ҳам таҳлил қиласи. Қараш ҳар хил, ёндашув турлича, муносабат ўзгача, тушуниш бошқача принципи асосида таҳлил қилинган асарлар ва уларнинг муаллифларини англашни, эътироф этишни осонлаштиради, ўқувчига яқинлаштиради.

Ўқувчи ва ижодкор ўртасидаги муносабат яна бир ўзига хос бўлган тармоқ ҳисобланади. Ёзувчи – ўқувчи (китобхон) муносабатини ҳеч ким олдиндан кафолатлай олмайди. Ёзувчининг асарлари қанчалик кўп ададда чоп этилган бўлса ҳам, адабиётшунослар уни кўкларга кўтариб мақтаган бўлсалар ҳам, ўша асарни китобхон ўзига сингдирмаса, ўзлаштира олмаса, ўзиники қила олмаса, барча қилинган меҳнат самарасиз кетади. Ижодкорнинг асарини тинчгина қабул қилиб, эътиroz билдириласдан мутолаа қиласиган яширин (имплицит) ўқувчи муаллифнинг ҳар бир айтмоқчи бўлган фикрини таҳлил қиласиган, ўрни келганда муаллиф фикрига қарши чиқи, ўз позициясини ҳимоя қилишга тайёр эксплицит (аниқ) ўқувчидан фарқ қиласи.

Қайсиdir ижодкор номини эшитсангиз, беихтиёр ижодкор яшаган тарихий давр, асарлари ёдингизга тушаверади. Қолаверса, ижодкор ҳақидаги фикрлар,

илмий қарашлар, таҳлилларга қизиқасиз. Ҳар сафар шоир Усмон Носир номини эшитганимда ёки ўқиганимда, "Юрак, сенсан менинг созим..." деб қўяман. Бу эса, онгимда шоир номини ўз-ўзидан унинг қаламига мансуб "Юрак" шеъри билан боғлайди. Ўз навбатида эса мен шоир номини жаҳон ҳамда ўзбек адабиётининг бир қатор вакиллари бўлган Абдулла Қодирий (1894-1938), Абдулҳамид Чўлпон (1897-1938), Франц Кафка (1883-1924) ва Сергей Есенин (1895-1925) томонга бураман. Буни эса улар яшаган макон ва замон билан асослаш мумкин.

Усмон Носир 1912 йил 13 ноябрда Наманган шаҳрида туғилган. Алишер Навоий номидаги Самарқанд педагогика академиясининг тил ва адабиёт факультетида таҳсил олади. Ёш бўлишига қарамай, дунёда содир бўлаётган кескин тарихий ўзгаришлардан хабардор бўлган. Жаҳон адабиётининг дурдона асарларини мунтазам равишда мутолаа қилган. Кўпгина интернет сахифаларида Пушкиннинг "**Боқчасарой фонтани**" достонини ўзбек тилига ўтиргани ҳақидаги маълумот орқали Усмон Носир ажойиб бадиий таржимон эканлигини ҳам билиб олиш мумкин. Қолаверса, қатағон қурбонларини мукаммал ўрганган олим, филология фанлари доктори, академик Наим Каримов "Жаҳон адабиёти" журналида (2017 йил 12-сон) "**Маълум ва номаълум "Эгмонт"**" мақоласи орқали Усмон Носирнинг таржимонлик маҳоратини юксак баҳолайди. Усмон Носир буюк немис шоири ва мутафаккири, жаҳон адабиётининг мумтоз намояндалари орасида Шарқ адабиётини, айниқса, форс шеъриятини чукур ўрганган, Алишер Навоий, Шерозий ижодларидан баҳраманд бўлган ва Шарқ бадиий маданиятининг ихлосининг ифодаси сифатида "Шарқу Ғарб девони"ни яратган Йоҳанн Вольфганг Гётенинг (1749-1832) кўпчиликка уччалик таниш бўлмаган "Эгмонт" (1788) трагедияси таржимасига ҳам қўл уради.

25 ёшга тўлиб, тўлмаган вақтда, аниқроғи, 1937 йил 18 июлида ҳибсга олинган бўлса-да, Усмон Носир ўзбек адабиётида ўзининг муносиб ўрнини эгаллай олди. Таҳликали ва бешафқат тарихий даврда туғилган шоир қўрқмасдан озодликни куйлади, мустақилликни орзиқиб кутди. Адиг Абдулла Қодирий бу

борадаги орзу-ниятларини “Ўткан кунлар”, “Мехробдан чаён” романларида, Чўлпон эса “Кеча ва кундуз” романида, шунингдек, ўзининг шеърларида яширди, “кўмди”. 30 ёшида сирли равиша ўлдирилган Сергей Есениннинг дарди ўз ичида кетди. Жамиятнинг ноҳақликлари ва оиласида меҳр топмагани туфайли Франц Кафка тузалмас дардга мубтало бўлди. Масофа қанчалик узоқ бўлмасин, ижодкорлар бир-бирларини ғойибона таниган бўлсалар-да, қисматлари қайсиdir маънода ўхшаш бўлди. Усмон Носирнинг тақдир йўли ҳам худди шундай бўлди. Шунга қарамасдан, тақдирини худди олдиндан кўргандек, ўз ўкувчиларининг муҳаббатини ҳис қила олди ва “Боғим” шеърида:

...Баргдек узилиб кетсам,

Унутмас мени боғим:

Ишимни ҳурмат қилур,

Гуллардан ҳайкал қуурур.

Минг йиллардан кейин ҳам

Унутмас мени боғим!..

дейди.

Юқорида шоир Усмон Носирнинг таржимонлиги борасида фикрлар айтилди. Лекин шоир ўзини-ўзи таржима қилишга ҳаракат қилди. Шеърлари билан ўзига, юрагига, севгисига, шеърига мурожаат қиласаверди. Аслида мажозий ҳисобланган ушбу деталлар орқали халқига, Ватанига юзланган эди.

Юрак, сенсан менинг созим,

Тилимни найга жўр этдинг.

Кўзимга ойни беркитдинг,

Юрак сенсан ишқибозим.

дейди шоир “Юрак” шеърида.

Сенга тор келди бу **кўкрак**,

Севинчинг тошди қирғоқдан,

Тилим чарчар, ажаб, гоҳи

Сени таржима қилмоқдан.

дея, шоир мажозий маънода “кўқрак” деб ўзи яшаётган муҳитни, даврни таърифлаган бўлса, ажаб эмас. торлик қилаётганидан, ҳаво етишмаётганидан, ҳатто ўзини-ўзи тушунмаётганидан, тушунтира-олмаётганидан чарчаганини таъкидлайди.

Сен эй, сен — ўйноқи дилбар,

Зафардан изла ёрингни.

Тўлиб қайна, тошиб ўйна,

Тирикман, куйла борингни!

Юрагига “ўйноки дилбар” дея мурожаат қилиб, унга чин дўст, вафодор ёр тилайди, унинг тинмай куйлашини, тўлиб-тошишини истайди. Аслида эса, бу шоирнинг ўзига талаби, ўзининг ички иштиёқи ва истагидир.

Итоат эт!

Агар сендан

Ватан рози эмас бўлса,

Ёрил, чақмоққа айлан сен,

Ёрил! Майли, тамом ўлсам!.

Ҳам юрагига, ҳам ўзига қўйилган юқоридаги юксак талабни Ватанининг ва халқининг розилиги йўлида садоқат билан гўзал уddeлади.

“Яна шеъримга” сонетининг сарлавҳасини ўқиган ўқувчи биринчи навбатда нега “яна” сўзи борлигига қизиқади. 1935 йилда ёзилган “Яна шеъримга” сонети билан Усмон Носир ўз шеърига учинчи маротаба мурожаат қилаётгани боисидан. Аввалига 1933 йил Самарқандда “Шеърим” тўртлигини ёзади:

Сен, юрагимнинг чашма суви сен,

Сен, кўзларимнинг гавҳар нурлари.

Сенинг баҳонгни ким сўраса, де:

“Баҳом – умримнинг баҳосига тенг!”

Аввалига шеърларига меҳри-муҳаббати туфайли "...юрагимнинг чашма суви.." ёки "...кўзларимнинг гавҳар нурлари" деб "мулозамат" кўрсатган шоир, иккинчи шеърида:

Илҳомимнинг вақти йўқ селдай келади,

Жаллоддек раҳм этмай дилни тилади.

Аёндир: бир куни айлайди хароб...

Майлига. Мехримни, гўёки шароб –

Шимирдим. Яшайман тилсин дилимни.

Бемеҳнат севмайман тирик тилимни.

деб, илҳомнинг селдай оқиб келишидан, сатрларга сифмай кетаётганидан, дардларнинг туғён уриб дилини тилка-пора қилаётганидан шеърни жаллодга менгзайди.

Аммо учинчи сафар "Яна шеъримга" сонети орқали шеърларини "эркалаб" мадҳ этишни бошлайди. Сонетнинг ҳар сатрини ўқиган инсон шеърият боғининг гўзал гўшалари сари одимлайди:

Шеърим! Яна ўзинг яхшисан,

Боққа кирсанг, гуллар шарманда.

Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан,

Жоним каби яшайсан манда.

Шеър юрак дардига, ишқнинг ўтига малҳам бўлгани боис, ундан воз кечиб бўлмаслигига ишора қилиб, шоир "...дардимсанки, шеърим яхшисан" дейди:

Юрагимнинг дарди — нақшисан,

Қилолмайман сени ҳеч канда!

Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?

Дардимсанки, шеърим яхшисан.

Шеърият кўприги орқали Усмон Носир немис ва рус адабиёти билан ҳам ошно бўлганини, улардан кўмак олганини эътироф этади:

Сен орада кўприк бўлдинг-да,
Гейне билан ўртоқ тутиндим.
Лермонтовдан кўмак ўтиндим.
Бутун умрим сенинг бўйнингда.

Сонетнинг сўнгидаги эътироф ўқувчининг эътиборини яна бир марта ўзига тортади. Шеъриятни, аникроғи, шеърни ўзининг севгилиси сифатида тасвирилаган Усмон Носир барча дард-ситамларга чидашини, ҳаммасига рози эканлигини баралла айтади:

Саҳарда қон тупурсам, майли.

Мен — Мажнунман, шеърим, сен – Лайли!

“Монолог” шеърида Усмон Носир севги-муҳаббатнинг макон ва замон билмаслигини, ишққа боғланган кўнгилнинг неларга қодирлигини, ошиқликнинг гўзал, аммо дардли жиҳатларини куйлади. “...Асрларни йифлатган севги!” мисраси билан якунланган биргина шеърда адабий даврларнинг кичик бир тарих солномаси акс этади. Биргина шеър Данте Алигьери (1265-1321), Франческо Петрарка (1304-1374), Уильям Шекспир (1564-1616) каби жаҳон адабиётининг буюк сўз санъаткорлари асарларининг митти таҳлили ҳисобланади. Қолаверса, бу шеъри орқали шоир Усмон Носир ўзининг шоирлик қисмати оғир бўлишини эҳтимол қилди:

...Қийналаман виждон билан ман –
Мумкин эмас қарши турмасдан
Ўз зиммамга катта иш олдим;
Эҳтимолки тамом қилмасдан –

Умрим тугар. Аммо бўлмайди
(Кўнглим ўрнига ҳеч тушмайди!)
Сенга қарши бош қўтармасдан,
Асрларни йифлатган севги!

Шеърларини ардоқлаган, авайлаган шоир Усмон Носир ўзбек адабиётида порлаган юлдуз бўлди. Жаҳон адабиётининг шайдоси, билимдони бўлган шоирнинг шеърларидан уфуриб турган ифор кимнидир қувонч сарҳадларига, бошқа бирони дард-алам сўқмоқларига, яна бирони эса ёлғизлик кўчаларига бошлайди. Демакки, ўқувчи ўзи истаган маънавий озуқадан баҳраманд бўлаверади.

Шоир Ўроз Ҳайдар Усмон Носирни "Чақмоққ айланган шоир", адабиётшунос олим Иброҳим Гафуров шоирни "Қисматнинг овози" деб атади. Кўпчилик адабиётшунослар Усмон Носирни ўзбек Лермонтови ёки Пушкини дея эътироф этдилар.

Афсуски, шоир Усмон Носир ижодининг қайноқ нуқтасида мустабид тузумнинг тазиикига учради. Шавкат Раҳмон таъбири билан айтганда, "Шоирни ўлдирмак – жиноят, гуноҳ..." бўлса-да, шоирнинг башарни эзгуликка, мустақилликка чорлашидан қўрққанлар уни панжара ортига отдилар. Усмон Носир 1937 йилнинг 14 июлида «халқ душмани» сифатида қамоқقا олинди ва Тошкент, Магадан, Кемерово турмаларида ҳибсда тутилди. Қамоқда инсон боласи чидаши мумкин бўлмайдиган қийноқларга дучор бўлган шоир 1944 йилда Кемеровода ҳалок бўлди.

Бу йил 110 йиллиги нишонланаётган шоир Усмон Носир "Боғим" шеърида тилга олган фусункор боғ – бу шоирнинг шеърият боғи, Ватани, юрти, ишончи ва умидидир. Шоир ўзи танимаган, билмаган авлоддан умид қиласи ва

..Ишимни ҳурмат қилур,

Гуллардан ҳайкал қуур.

дейди.

Дарҳақиқат, шоир ва таржимон Усмон Носир шубҳасиз ҳали бир неча асрлар оша ҳам шеърлари билан тарих зарваракларида сақланажак ва шоирнинг ўзи айтганидек,

Шеърларим янграб қолур –

Бир умрга ўлмайман!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Борев.Ю.Б. Теория художественного восприятия и рецептивная эстетика, методология критики и герменевтика// Художественная рецепция и герменевтика/. – М.: Наука, 1985. Стр. 3-69.
2. Борев.Ю.Б. Эстетика/. – М.: Высш.шк., 2002. – 511 с.
3. Вольтер. Эстетика. Статьи. Письма. Предисл. и рассуждения. Сост., вступит, статья и ком мент. В. Я. Бахмутского. Пер. Л. Зониной и Н. Наумова /. – М.: «Искусство», 1974. – 392 с. с портр. (История эстетики в памятниках и документах). стр. 267-281.
4. Гадамер Х.-Г. Истина и метод: Основы филос. герменевтики: Пер. с нем./Общ. ред. и вступ. ст. Б. Н. Бессонова.— М.: Прогресс, 1988.-704 с
5. Карим, Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур./ – Т: Akademnashr, 2014. – 256 б.
6. Каримов, Наим. Маълум ва номаълум “Эгмонт”, мақола, «Жаҳон адабиёти» журнали, 2017 йил, 12-сон.